



## Намознинг фазилатлари

Набий соллаллоху алайҳи ва саллам айтадилар: «**Аллоҳ таоло: “Эй Муҳаммад, бир кеча-кундузда умма-тингизга беш вақт намозни фарз қилдим. Ўзим аҳд қилдимки, ким беш вақт намозни ўз вақтида адо этса, уни жаннатга киритаман. Ким ўз вақтида адо этмаса, у банда хусусида аҳдим йўқдир”, деб марҳамат қилади**» (Ҳадиси қудсий).

Ибн Умар розияллоху анхумодан ривоят қилинади. Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам: “**Жамоат намози ёлеизнинг намозидан йигирма етти даража афзалдир**”, дедилар (Бешовларидан фақат Имом Абу Довуд ривоят қилмаган).

Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи ва салламнинг бундай деганлари ривоят қилинади: “**Кимки беш маҳал намозни жамоат билан ўқиса, унга беш нарса ато этилуру:**

1. **Дунёда бечоралик етмайди.**
  2. **Аллоҳ таоло қабр азобидан омон сақлайди.**
  3. **Номаи аъмоли (амаллар дафтари) ўнг қўлидан берилади.**
  4. **Сирот кўпригидан яшин тезлигида ўтади.**
  5. **Жаннатга ҳисоб-китобсиз ва азобланмай киритилади** (“Масобих”).
- Жаброил алайҳиссалом ўзларига берилган неъматларнинг шукронасига икки ракат намоз ўқидилар. Ҳар



бир ракатига ўн минг йилдан йигирма минг йил вақт кетди. Намоздан фориғ бўлганларида Аллоҳ таоло: “Эй Жаброил, хос ва мос ибодат қилдинг. Ҳеч ким сендек ибодат қила олмаган. Аммо охири замонда Набийи карим, ҳабибим Муҳаммад соллаллоху алайҳи ва саллам келгай. Унинг гуноҳкор ва заиф умматлари бўлади. Улар икки ракат намозни хато ва камчиликлар ва минг халёллар билан адо этадилар. Иззатим ва Жалолимга қасамки, сенинг ўқиган икки ракат намозингдан уларнинг икки ракат намози менга маҳбуброқдир. Чунки уларнинг намози менинг амрим билан бўлади, сенинг намозинг ўз ихтиёринг билан

бўлди”, деди. Жаброил алайҳиссалом: “Уларнинг ибодатларига нима мукофот бергайсан?” дедилар. Аллоҳ таоло: “Маъво жаннатини бергайман”, деди.

Шунингдек, Азроил алайҳиссалом намознинг шафоати туфайли намозхоннинг жонини қийнамай, осонлик билан олади.

Намоз қабрда нур, қиёмат кунида бошга соя ва тож, тарозида оғир, баданга либос, дўзах ўтидан парда, Аллоҳ таолонинг хузурида хужжат ва далил ҳамда жаннат учун қалит бўлгай (“Зубдатул воизин” китобидан).

Мехнат фахрийси

Мирасрор ИБРОҲИМОВ тайёрлади.

### ҚИСҚА САТРАЛДАРДА

✓ 1 ноябрь. Президент Шавкат Мирзиёев “Фаластинлик қочқинларга ёрдам бериш ва ишларни ташкил этиш бўйича БМТнинг Яқин Шарқ агентлигига гуманитар ёрдам ажратиш тўғрисида” ги қарорни имзолади.

✓ 1 ноябрь. Қозоғистоннинг Остона шаҳрида халқаро Қуръон мусобақаси бўлиб ўтди. Унда Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институти “Тахфизул Қуръон” кафедраси мудири Жаҳонгир қори Неъматов ҳакам сифатида қатнашган бўлса, мазкур институт талабаси Сироҷиддин Жалилов ҳифз йўналишида муваффақиятли иштирок этди.

✓ 1 ноябрь. “Юрак амри” номи хайрия ишлари билан танилган Сардор Раҳимхон (Санжар Раҳимов) – “Вақф” фонди раҳбари ўринбосари, “Вақф” хайрия ишлари бўйича директори этиб тайинланди.

✓ 2 ноябрь. “Нотиқлик санъати академияси” таълим муассасасида ўтказилган танловда Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси ўринбосари Жалолиддин Ҳамроқулов кучли нотиқ сифатида тақдирланди.

✓ 2 ноябрь. Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази томонидан нашрга тайёрланган “Тўрт мазҳаббоши имомлардан гўзал ибратлар” рисоласи чоп этилди.

✓ 7–8 ноябрь. Ўзбекистон мусулмонлари идораси раисининг биринчи ўринбосари Ҳомиджон қори Ишматбеков Абу Даби шаҳрида бўлиб ўтган халқаро анжуманда иштирок этди.

✓ 8 ноябрь. Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи томонидан Ўзбекистон Халқаро ислом академияси ва Ўзбекистон мусулмонлари идораси билан ҳамкорликда “Носирхон Тўра Саидкамолхон Тўра ўғлининг фаолияти ва илмий меросининг миллий давлатчилик тарихидаги ўрни ва аҳамияти” мавзусида Республика илмий-амалий анжумани ўтказилди.

✓ 8-10 ноябрь. Москва шаҳрида ўтказилган “XXI Москва Халқаро Қуръони карим тиловати” мусобақасида Тошкент ислом институти битирувчиси Ҳабибуллоҳ Олимжонов Ўзбекистон вакили сифатида иштирок этди.

### Идора ҳаёти

## Имом-домлаларга малака тоифалари берилди

Бугунги кунда Ўзбекистон мусулмонлари идораси тизимида фаолият юритаётган диний ходимларнинг билим ва малакаларини оширишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Шу маънода айни дамларда барча масжидлар имом-хатиб ва имом ноиблари билимлари, касб маҳоратлари ҳамда иш фаолиятлари натижалари баҳоланаётир.

Таъкидлаш керак, ушбу жараёнда имом-хатиб ва имом ноибларининг профессионал малакаси, ишчанлик фазилати, касбий тайёргарлик даражаси, вазифага муносибликлари ҳамда зиммаларига юклатилган вазифаларга масъулият билан ёндашиш хислатларига алоҳида аҳамият қаратиляпти.

Шунинг билан бирга, имомларнинг нотиқлик иқтидори, қироати, илмий-ижодий, маънавий-маърифий фаолияти, чет тилларни билиш даражаси ҳамда ахборот-коммуникация технологияларини қай даражада ўзлаштирганлари тест синовлари ва суҳбатлар асосида аниқланмоқда.

3-бетда

# Тарозини тўғри тортиш

«Вайл бўлсин ўлчовдан уриб қолувчиларга. Улар одамлардан нарса ўлчаб олсалар, тўлиқ оларлар. Агар одамларга ўлчаб ёки тортиб берсалар, камайтирарлар. Ана шулар, албатта, қайта тирилтирилишларини ўйламайдиларми?» (Мутаффи-фун сураси, 1–4-оятлар).

Имом Муқотил раҳимахуллох: «Мадинаи мунавварада биринчи нозил бўлган сура Мутаффи-фундир», деган. Ибн Аббос ва Қатода: «Сура маданий, фақат сўнгги саккиз ояти — «Албатта, жиноят қилганлар» дан охирига қадар маккийдир», дейишган.

«Вайл бўлсин ўлчовдан уриб қолувчиларга». Имом Насоий раҳимахуллох Ибн Аббос розияллоху анхумодан ривоят қилади: «Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам Мадинага келганларида мадиналик (савдогарлар)лар тарозидан кўп уриб қолишар эди. Шу боис Аллох таоло: «Вайл бўлсин ўлчовдан уриб қолувчиларга» оятини нозил қилди. Шундан кейин тарозидан уриб қолиш барҳам топди».

Имом Фароий айтади: «Бугунги кунда ҳам улар ўлчовда энг ишончли кишилардир».

Ибн Аббос розияллоху анхумо айтади: «Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам Мадинага келганларидан кейин бир соат ичида тушган илк сура шу бўлган. Мадиналиклар орасида ўлчовдан уриб қолиш одати бор

эди. Сотиб олаётганларида ўлчовни оғир тортишар, сотаётганларида уриб қолишарди. Ушбу ояти карима тушганда улар бу ишларини тўхтатишди».

Бир гуруҳ уламолар бундай дейди: «Ояти карима Абу Жухайна исми киши ҳақида нозил бўлган. Асл исми Амр эди. Унинг иккита ўлчови (тоши) бор эди. Биттаси билан сотиб олар, иккинчиси билан сотар эди».

«Вайл» лафзидан мурод охирадга азобнинг қаттиқлигидир. Ибн Аббос айтади: «У дўзахдаги водий бўлиб, унда дўзах аҳлининг йиринги оқади. Бунга Аллох таолонинг ушбу сўзи далил: «Вайл бўлсин ўлчовдан уриб қолувчиларга». Яъни улар ўлчов ва тарозидан уриб қолувчилардир».

Ибн Умар розияллоху анхумо: ««Ўлчовдан уриб қолувчилар» — тарозисини ижарага берувчи кишидир. У ижарага олганнинг ўлчовдаги хиёнатини билади ва яширади. Ижарага олган кишининг гуноҳи унга бўлади», деган. Яна бир гуруҳ олимлар: «Ўлчовдан уриб қолиш: ўлчовда, тарозидан, таҳоратда, намозда ва ҳадисдадир», дейишган. «Муваддо»да: «Ҳар бир нарсада вафо ва тўлиқ ўлчов бор», дейилади.

Абу Жаъд ибн Солимдан ривоят қилинади: «Намознинг ўлчови бор. Ундан уриб қолса, Аллох таолонинг бу борада айтган сўзини билиб қўйсин: «Вайл бўлсин ўлчовдан уриб қолувчиларга»».

Ибн Қосим Моликдан ривоят қилади: «Имом Молик раҳимахуллох «Вайл бўлсин ўлчовдан уриб қолувчиларга» сурасини ўқигандан сўнг: «(Ўлчовдан) уриб ҳам қолма, текислама (устини силаб текислама) ҳам.

Лекин унга кўпроқ қилиб бер. Тўлиқ қилганинда ҳам қўлингни бўшат, тутиб қолма (кенглик қил, зикналик қилма)», деди».

Абдулмалик ибн Мажишун айтади: «Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам идиш устини силаб уриб қолишдан қайтардилар ва: «**Барака унинг бошида (юзидан) бўлади. Менга хабар берилишича, Фиръавнинг тортиб бериши темир билан текислаш эди**», дедилар».

«Улар одамлардан нарса ўлчаб олсалар, тўлиқ оларлар». Имом Зужжож айтади: «Ўзларига олганда ошиғи билан ўлчаб олувчилар, агар бошқаларга тортиб берсалар, камайтирадилар. Ўзларига раво кўрган нарсани одамларга раво кўрмас эдилар».

«Агар одамларга ўлчаб ёки тортиб берсалар, камайтирарлар». Ибн Аббос розияллоху анхумодан ривоят қилинади. Набий алайҳиссалом: «**Беш нарса беш нарсдан келиб чиқади: қавм аҳдини бузиши билан Аллох таоло душманларга улар устидан ҳокимлик беради. Аллох таоло нозил қилган нарсдан бошқа нарса билан ҳукм чиқарсалар, Парвардигор улар орасида фақирликни ёяди. Фаҳиш ишлар ошкор бўлса, уларда ўлат пайдо бўлади. Ўлчовдан уриб қолишлари билан наботот оламидан маҳрум бўладилар. Зақотни бермасалар, Аллох улардан ёмғирни тўсиб қўяди**», дедилар.

Молик ибн Динор айтади: «Ўлим тўшагида ётган қўшнимнинг олдида кирдим. У: «Дўзахдан икки тоғ, дўзахдан икки тоғ, дўзахдан икки тоғ», дерди. Мен: «Нима деяпсан?» дедим. У: «Эй Абу Яҳё, икки тарозим бор эди.



Бири билан ўлчардим. Ҳар сафар бирини бошқасига урсам, катталашар эди», деди. Сўнг вафот этди».

Нофеъ айтади: «Ибн Умар розияллоху анхумо сотувчиларнинг олди-дан ўтса: «Аллохга тақво қил, тошу тарозини адолат билан ўлча! Тарозидан уриб қолувчилар қиёмат куни қулоқларигача терга ботиб туради», дер эди».

«Ана шулар, албатта, қайта тирилтирилишларини ўйламайдиларми?» Оятда кишиларнинг ўлчовдан уриб қолишга журъат қилишлари мазамат қилинмоқда. Гуё улар тарозидан уриб қолишнинг хатарини англамайдиганга ўхшайди. Улар «қайта тирилтирилишларини» ва қилаётган ишларидан сўралишларини хаёлига келтирмайдилар.

«..ўйламайдиларми?» Яъни қилиб ўтган ишлари учун жавоб беришларига ишонишмайдими? Агар ишонишганида, тошу тарозидан асло уриб қолмас эдилар.

«Тафсири Қуртубий» асосида  
Оҳангарон шаҳар бош имом-хатиби  
Абдулҳаким АҚМАЛОВ тайёрлади.

## Ибратли воқеа

Бир пайтлар ишим зўр, пулим кўп эди. Шундай масрур кунларнинг бирида йўл чеккасида, оғир юкни елкалаган бир аёл қўл кўтарди. Тўғриси, раҳмим келди, тўхтадим ва киракаш бўлмасам-да, олиб кетдим.

Кетаётиб, орқа ўриндикда ўтирган аёлга: «Аёл бошингиз билан куннинг иссиғида, шунча юк билан сизга зарилми? Бозор-ўчарни хўжайинингизга айтсангиз бўларкан!» дедим. У чуқур хўрсинди ва: «Агар хўжайиним бўлганларида, мен кўчада бундай юрмасдим», деди. Сўнг нигоҳини олис-олисларга қадади.

Орага жимлик чўқди. Англадимки, гапим кўнглига ботди. Ҳазил қилиб, кайфиятини кўтаргим келди: «Хафа бўлманг, насиб бўлса, унда нам яхшисини учратасиз!» Аввалига у тушунмади. Сўнг: «Ниманинг яхшисини? Нимани айтасиз ўзи?» дея ўсмоқчилади. Мен баттар авжига чиқвердим: «Масалан, менга

## Қайтар дунё

ўхшаганини учратсангиз ёмонми? Келишган, топарман-тутармон йигитман. Мендан яхшисини қаердан ҳам топардингиз?» Аёл: «Нималар деяпсиз, ақлингиз жойидами ўзи? Ким деб ўйлаяпсиз мени? Тўхтадинг машинани, тушиб қоламан», дея кичқирди.

У апил-тапил тушди-да, чангаллаб олган пулларни юзимга отди. Сўнг: «Бу қайтар дунё, сенга қайтсин!» деди-да, шарт бурилиб кетди.

Ўзимча жаҳл қилиб газни қаттиқ босиб қўзғалдим. Кетаётиб аёлнинг гаплари хаёлимни пармалай бошлади. Такаббурликни қарангки, хулоса чиқариш ўрнига яна қайтиб бориб унга дакки беришга чоғландим. У бекатда турган экан. Одамлар кўплигига қарамай, бошимни деразадан чиқариб бақира бошладим: «Сен сочи узун, ақли калта, менга ақл ўргатма!

Шўрпешана эринг ҳам сендан кутулиб яхши қилган. Баттар бўл, яхшиликни билмайдиган аҳмоқ». Ҳамма аёл томонга қаради. У ер ёрилмади, ерга кирмади. Ҳамма унга нафрат билан қараб қолди. Мен эса қилган ишимдан мамнун бўлиб, ҳалиги пулларни деразадан отиб, йўлимда давом этдим...

Орадан йиллар ўтди. Бу воқеани унутиб ҳам юборгандим. Алҳол кунларнинг бирида навнихол синглимининг эри ва қайнона-қайнотаси автохалокатда вафот этдию, бошимни чангаллаб қолдим. Энди синглимга қараб бир эзилсам, қизи ва ўғлига боқиб минг эзиламан. Айниқса, жиянларимнинг оёғимга осилиб: «Тоғажон, дадам қачон келадилар?» дея хархаша қилганларида бўғзимга аччиқ ёш тикилади. Гуё ўзимни айбдор ҳис қиламан.

Вақт ҳамма нарсага даво экан.

Секин-аста кўника бошладик. Синглим ишга, болалари мактабга ва боғчага чиқди.

Бир куни жиянларимдан хабар олай деб борсам, столда хужжатлар ёйилиб ётибди. Синглим ҳеч қачон уйга иш олиб келмайди. Уйдаги вақтини фақат болаларига ажратади. «Бу нима?» деб қизиқдим. У ташкилот ҳисобчилигини олибди. Банкда эса, ишламаётганини, бошлиғи ортиқча гаплар қилгани учун ариза ёзганини айтди. Қоним қайнаб кетди. Шарт ўрнимдан туриб, банкка отландим. Йўлда кетяпману бир пайтлар боши очиқ аёлнинг надоматлари хаёлимда айлана бошлади: «Бу қайтар дунё, сенга қайтсин!»

«Ким нима қилса, топади». Ҳа, дунёда яхшилик қилсангиз, мукофот, ёмонлик қилсангиз, жазо топаркансиз.

Ойниса ҲОЖИЕВА,  
журналист

# Жаҳолатга қарши маърифат билан курашмоқ керак

Ислом дини поклик асосига қурилган. Шу боис кишиларни ҳаммаша покликка, эзгуликка, маърифатга ва кўплаб яхшиликларга даъват этади.

Афсуски, сўнгги пайтларда баъзи бузғунчи тоифалар Ислом дини ниқоби остида ўзларининг ғаразли ниятларини амалга ошириш учун Қуръони карим оятларини бузиб тафсир қилмоқдалар.

Таъкидлаш керак, Қуръони каримни тафсир қилишга фақат мужтаҳид (тафсир, ҳадис, фикҳ ва усул илмларини мукаммал билган киши)лар ҳақлидирлар. Зотан, Қуръони каримда шундай оятлар борки, уларнинг маъноларини Парвардигордан бошқа ҳеч ким билмайди. Ҳанафий мазҳабимиз уламолари бу каби оятларнинг маъносини Аллоҳ таолога ҳавола қилиб, тафсир қилишдан ўзларини тиядилар.

Ҳозирги пайтда Қуръони карим ва ҳадисларни ўз билганича таъвил этиб, мўмин-мусулмонлар ўртасида турли баҳс-мунозара ва эътирозларни келтириб чиқараётганлар бор.

Аллоҳ таоло бу каби кимсалардан огоҳ этиб, Қуръони каримда бундай марҳамат қилади: «**У Сизга Китобни (Қуръонни) нозил қилган зотдир. Унда шу Китобнинг “онаси” саналмиш (маъноси) аниқ оятлар ва (шу билан бирга) яна муташибих (маъноси) ўзидан бошқага**

номаълум) оятлар ҳам бор. Аммо дилларида оғиш бор кимсалар одамларни фитнага солиш ва ўз талқинига мувофиқ маънолар бериш учун унинг (Қуръоннинг) муташобих оятларига эргашадилар. **Ҳолбуки, ундай оятлар таъвилни (асл маъносини) фақат Аллоҳнинг Ўзигина билур. Илмда мустаҳкам (ҳаққоний олим)лар эса дейдилар: “Унга имон келтирдик. Ҳамма (оятлари) Раббимиз ҳузуридандир”. (Бундан) фақат ақл эгаларигина эслатма олулар» (Оли Имрон сураси, 7-оят).**

Ушбу ояти карима хусусида Пайғамбаримиз алайҳиссалом бундай деганлар: **“Бир қавмнинг Қуръон оятлари устида таъвил қилиши уларнинг хатога йўл қўйишига сабаб бўлади ва улар фитнага йўл тутади, сўнгра улар Қуръондан муташобих оятларига эргашадилар. Бу ҳол уларни ҳалокатга олиб боради” (Қатода ривояти).**

Бошқа бир ҳадисда эса: **“Агар Қуръондан муташобих оятларига эргашганларни кўрсангизлар, улардан узоқлашингиз”, дейилади (“Тафсири Абд”).**

Демак, мазкур ояти карима ҳамда ҳадиси шарифлардан ҳулоса чиқариб, шуни айтиш мумкинки, бугун дунёда ўз қабих амаллари билан хавф солиб турган фирқа ва гуруҳлар мавжудлигидан юртдошларимиз огоҳ бўлмоғи лозим.

Ҳазрат Али каррамаллоҳу ваҷҳаҳу бир минг тўрт юз йил муқаддам уларнинг сифатларини баён қилиб бундай деган: «Қачон қора байроқларни кўрсангиз, ерни лозим тутинг. (Яъни маконингизда туринг, уларга эргашманг!) Қўлларингиз ва оёқларингизни қимирлатманг. (Уларга моддий ва маънавий ёрдам берманг!)»

Сўнг заиф бир қавм зоҳир бўлур. Улар эътиборга сазовор эмаслар. Уларнинг қалблари темирнинг зангига ўхшайди. (Одамларга раҳм қилмайдилар, шафқатсиз азоб берадилар). Улар мол-мулк соҳибларидирлар. Аҳдга ҳам, ваъдага ҳам вафо қилмаслар. Ҳаққа чақирурлар, лекин ўзлари ҳақ аҳлдан эмаслар. Исмлари лақабдир. Нисбалари кишлоқ-шаҳарларигадир. Сочлари аёлларнинг сочларига ўхшаб осилиб туради. Улар охири бориб ўзаро ихтилоф қиладилар...»

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, бугунги кунда жаҳонда кечаётган мураккаб жараёнлар ёшлар тарбиясига жиддий эътибор беришимизни талаб этади. Ота-оналар зиммасидаги масъулиятни янада чуқур ҳис этиб, фарзандларининг таълим-тарбияси, юриш-туришидан доимо хабардор бўлишлари лозим.

Фазлиддин **КАРОМАТУЛЛОҲ**,  
Сариосиё тумани бош имом-хатиби

## Масала

### Динда саволим бор...

**САВОЛ:** Телефон орқали Қуръони каримни тинглаш мумкинми?

**ЖАВОБ:** Қуръони каримни телефон ёки у каби воситалардан тинглаш мумкин. Қуръони каримни тиловат қилиш, тинглаш ибодат бўлгани учун унга оид одобларга риоя қилиш шарт. Аллоҳ таоло марҳамат қилади: **«Қуръон ўқилганда уни тингланглар ва жим туринглар, шояд раҳим қилинсангиз» (Аъроф сураси, 204-оят).**

Уламолар Қуръон тиловат қилинганда уни жим туриб тинглаш вожиб эканига иттифоқ қилишган. Шунинг учун Қуръон тиловат қилинаётганда ё эшитаятганда (унга эътиборсиз бўлиб) бирор иш билан машғул бўлиш мумкин эмас. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Ким Аллоҳ таолонинг Китобидан бир оят тингласа, унга битта савоб кўпайтириб берилади. Ким Қуръон тиловат қилса, унга қиймат куни нур бўлади”,** дедилар (Имом Аҳмад ривояти).

**САВОЛ:** Телефонда азон товушидан “огоҳлантирувчи” сифатида фойдаланиш мумкинми?

**ЖАВОБ:** Уламолар азондан намоз вақтидан огоҳлантирувчи сифатида фойдаланишни жоиз, деганлар. Аммо ундан уйқудан уйғотувчи восита сифатида фойдаланишни яхши эмас, бундан сақланилган афзал, деб таъкидлашган.

5-бетда

## Идора ҳаёти

1-бетда

Ушбу синовлардан муваффақиятли ўтиб, диний-маърифий ва касбий билимларини оширган имомхатиблар ва имом ноибларига олий, биринчи ва иккинчи даражали малака тоифалари тақдим этилади. Бу эса уларнинг келгусидаги фаолиятида янада юқори натижаларга эришишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Айни пайтда Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси ўринбосарлари, масъул ходимлари, диний таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари ҳамда ҳамкор ташкилот вакилларида иборат баҳолаш комиссияси аъзолари гуруҳларга бўлинган ҳолда фаолият олиб боришди. Барча ҳудудларда малака ва билим синовлари ўтказилди.

Ўз мухбиримиз

## Имом-домлаларга малака тоифалари берилди



# Саждаи саҳв масалалари

Илмсизлигимиз туфайли кўпинча намозимизнинг савобидан маҳрум бўлиб қоламиз. Гоҳи намозимиз фосид бўлади, лекин биз унинг фосид бўлганини билмаймиз.

Инсон ҳар ҳолида башардир. Бинобарин, жуда кўп дунёвий ишларида ундан саҳв, янглишиш содир бўлганидек, ибодатларни адо қилишда ҳам гоҳ-гоҳида хатога йўл қўйиши табиийдир. Инсон баъзида билмай ё унутиб намознинг фарзлари, вожибларидан бирини тарк қилади. Гоҳида эса уларнинг тартибларини бузади ёки уларни икки-уч мартадан бажаради. Кимлардир намознинг суннат ёки мустаҳабларидан бири қолиб кетса, кимлардир ракатларнинг саногиди адашади ё қироатда янглишади. Хуллас, шу каби ҳолатлар содир бўлиб туради. Баъзида намоз умуман бузилган бўлса ҳам, яъни уни қайта ўқишдан бошқа чора қолмаган ҳолатда ҳам, масалани билмаслигимиз сабабли саждаи саҳв қилишнинг ўзи билан намоз дуруст бўлади, деб ўйлаймиз. Шунингдек, шаръан саждаи саҳв вожиб бўладиган кўпгина ҳолатларга дуч келсак-да, сажда қилмаймиз. Саждаи саҳв вожиб бўлмаган кўпгина суратларда эса сажда қиламиз. Баъзи кишилар ҳар қандай хато учун ҳам саждаи саҳв қилиш билан намоз дурустга айланаверади, деб ўйлашади. Баъзилар эса саждаи саҳв қилиш касалига дучор бўлиб қоладилар, яъни

салгина шубҳа пайдо бўлиши билан сажда қилаверадилар.

## Намознинг фарзлари

Бу ўринда мухтасар тарзда намознинг фарзлари, вожиблари, суннатлари ҳамда мустаҳабларини зикр қилиб ўтамиз. Уларни библи олгандан кейин саждаи саҳв масалалари ва унинг вожиб бўладиган кўринишларини осонгина тушуниб оласиз. Буларни диққат билан ўқиб, хотирингизга жойлашга ҳаракат қилинг.

Ханафий мазҳабига кўра, намоз ичида олтита фарз бор:

**Такбири таҳрима.** Яъни “Аллоҳу акбар” деб намозга кириш. Тик туришга қодир кишининг тик турган ҳолда намозга кириши зарур (“*Раддул мухтор*”, 1-ж, 442-б.)

Баъзи кишилар имомни рукуда турганини кўриб, аввал рукуга кетадилар ва такбири таҳриманини ўша ҳолатда, яъни рукуга кетаётганда айтади. Мазкур кўришда айтилган такбири таҳрима дуруст бўлмайди. Такбири таҳрима дуруст бўлмагач, намоз ҳам дуруст ҳисобланмайди (“*Раддул мухтор*”, 1-ж, 471-б.)

**Қиём (тик туриш).** Узрсиз кишига, яъни намозда тик туришга

қодир бўлган кишига қиём фарз дир. Фақиҳлар қиёмни қўлни осилтирганда тиззага етиб бормайдиган даражадаги ҳолат деб изоҳлашган. Намозда қироат фарзини адо қиладиган миқдорда тик туриш фарз дир. Қиёмнинг фарзлиги фақатгина фарз ва вожиб (витр ва назр) намозларга ҳамда (саҳиҳ қавлга кўра) бомдоднинг суннати га тегишлидир. (“*Фатавои Оламгирия*”, 1-ж, 69-б; “*Раддул мухтор*”, 1-ж, 445-б.)

**Қироат.** Яъни Куръони каримдан энг камида бир оят ўқиш (у хоҳ кичик оят бўлсин, хоҳ катта) фарз дир. Лекин у бир оятнинг шарт шуки (энг ками) икки калимадан таркиб топган бўлсин. Агар мазкур бир оят биргина калимадан иборат бўлса (масалан, “мудҳаамматаан”) ёки бир-икки ҳарфдан иборат бўлса, (масалан, “ҳаа мийм”) билан қироатнинг фарзи адо бўлмайди. Фарз намозларнинг фақат икки ракатида, витр, суннат ва нафлларнинг эса ҳамма ракатларида қироат фарз дир (“*Фатавои Оламгирия*”, 1-ж, 69-б; “*Раддул мухтор*”, 1-ж, 445-б.)

**Руку.** Руку деб қўллар тиззагача етиб боргудек даражада эгилишга айтилади. Мукамал руку бўлиши учун эса орқа ва бел бош билан баробар (текис) бўлгунча эгилиш лозим (“*Фатавои Оламгирия*”, 1-ж, 70-б; “*Раддул мухтор*”, 1-ж, 477-б.)

**Сажда.** Яъни пешонани ерга қўйиш. Энг камида тиззанинг бири ва оёқларнинг бир бармоғи ҳам ерда бўлиши зарур. Сажда комил бўлиши учун пешона ҳам, бурун ҳам ерга тегмоғи керак. Узри бўлмаган кишининг фақат пешонаси билан сажда қилиши макруҳ дир. Фақат буруннинг ўзини ерга қўйиш билан сажда адо бўлмайди. Пахтаси ниҳоятда қалин кўрпа, ёстиқ ё пружинали тўшакларга, яъни устида пешона ўрнашмай, ботиб кетадиган нарсаларга қилинган сажда ҳам дуруст эмас. Сажда қиладиган, яъни бош қўйилдиган жой оёқлар турадиган ердан бир қарич баланд бўлса ҳам, сажда дуруст бўлмайди (“*Фатавои Оламгирия*”, 1-ж, 70-б.)

**Қадаи охир.** Яъни охирги ракатнинг икки саждасидан сўнг атаҳиёт ўқийдиган миқдорда ўтириш. Ханафийлар наздида фарз, вожиб, суннат ҳамда нафл намозларнинг барчасида қадаи охир фарз дир (“*Фатавои Оламгирия*”, 1-ж, 71-б.)

Агар намознинг бирор фарзи тарк бўлса ва уни ўша намознинг ичидаёқ адо этиш билан тузатилмаса, намоз ботил бўлади. Бу хатони саждаи саҳв билан тузатиб бўлмайди, балки намозни қайта адо этиш лозим (“*Фатавои Оламгирия*”, 1-ж, 126-б.)

Ёрқинжон ФОЗИЛОВнинг  
“Саждаи саҳв масалалари”  
китобидан

## Мусулмон одоби

Баъзан айрим кишиларнинг ўзгалар хонадонига, муассаса ёки ташкилотларга изн сўрамай кириб кетаётганига гувоҳ бўламиз. Айниқса, бировнинг хонадонига кирмоқчи бўлган киши, аввало, изн сўраши, рухсат берилганидан кейин уй эгаларига салом бериб кириши лозим. Бу ҳақда Аллоҳ таоло: “**Эй иймон келтирганлар! Ўз уйларингиздан бошқа уйларга то изн сўрамагунингизча ва уларнинг аҳлига салом бермагунингизча кирманг. Ана шундай қилмоғингиз сиз учун яхшидир, шоядки эсласангиз. Бас, агар у (уй)ларда бирортани топмасангиз, то сизга изн берилмагунча**

# Изн берилмаса, хафа бўлманг

**уларга кирманг. Агар сизга қайтинг, дейилса, бас, қайтинг, ўша сиз учун тоза йўлдир. Аллоҳ нима амал қилаётганингизни ўта билгувчидир**”, деган (*Нур сураси*, 27–28-оятлар).

Ушбу оятга амал қилинса, бировнинг хонадонига изн сўраб, салом бериб кирилсагина, турли ноқулай ҳолатларнинг олди олинади. Изн сўрамай кирилса, уй эгаси ёки ташкилотдаги масъул шахснинг ноқулай ҳолатда қолиши оқибатида киши гуноҳкор бўлади. Икки томон ҳам хижолатда қолади.

Изн сўрашнинг ҳам ўзига яраша одоблари бор. Авалло, изн сўраётган одам эшикни очмасдан, агар очик бўлса, ҳовлига, уй ичкарасига назар солмасдан, бошқа томонга қараб изн сўраши шарт. Изн берилиши эса, келган одамнинг кўзи тушса, уй эгасининг ҳамиятига, ифратига тегадиган ҳолат йўқ эканининг тасдиғидир. Шунингдек, кириётганда уй эгасига “Ассалому алайкум” дейиш ҳам ояти кариманинг талабидир. Бу билан мўмин киши савобга эга бўлади.

Шунингдек, изн сўраётганда эшикка юзма-юз эмас, балки унинг ўнг ёки чап тарафида туриш лозим. Айниқса, одоб билан кўполлик қилмасдан уч мартагача изн сўраши ёки чақириши, жавоб бўлмаса ёки киришга рухсат берилмаса, қайтиб кетмоғи лозим.

Агар қайтишга тўғри келса, кўнгилга олмаслик, хафа бўлмаслик ва уй эгалари мени беҳурмат қилди деган ёмон хаёлга бормаслик керак. Чунки уйда ҳар хил вазият бўлиши мумкин, шу билан бирга,

ҳар ким ҳам хоҳлаган кишисини уйига киритиш ёки киритмаслик ҳуқуқига эгадир.

Саҳобаи киромлар: «Оятдаги: “**Агар сизга қайтинг, дейилса, бас, қайтинг, ўша сиз учун тоза йўлдир**” жумласига амал қилиш учун жуда кўп уриндик, бировнинг уйига чақириб борганимизда қайтинг, деган жавоб бўлсаю, ортимизга дарҳол қайтиб, ояти каримага амал қилиш шарафига муяссар бўлсак, дер эдик. Аммо иложи топилмади. Қаерга борсак, кириш, деган жавоб олдик», деганлар.

Дарҳақиқат, саҳобалардаги бу хислат ўзбек миллатининг ҳам қон-қонига сингиб кетган фазилатлардан ҳисобланади. Шундай экан, бировнинг эшиги олдида борганда одоб сақлаб, Аллоҳнинг амри ва Расулининг айтганларига итоат қилсак, иншоаллоҳ, дунё ва охиратда саодатли бўламиз.

Акбар ШУКУРОВ,  
Музработ тумани “Дўстмуҳаммад бобо”  
жоме масжиди имом ноиби

Акбар Шукуров 1990 йил Музработ туманида тугилган. 2012 йил “Хожа Бухорий” ўрта махсус ислом билим юртини битирган. 2012–2014 йилларда Шеробод тумани “Абдувоит ҳожи” жоме масжиди, 2020 йилдан Музработ тумани “Дўстмуҳаммад бобо” жоме масжиди имом ноиби.



# Намозхоннинг олдидан кесиби ўтиш

Намоз банда ва Аллоҳ таоло ўртасидаги мулоқотдир. Намозхон унда бошқа нарсалар билан чалғимай, хушу ила Раббисига муножот қилишга буюрилган. Шу мақсадда шариат намозхон учун ҳам, намоз ташқарисидаги одам учун ҳам алоҳида тартиб-қоидаларни жорий қилган. Токи икки тарафдан ҳам намозни бузадиган ёки хушуга путур етказадиган иш содир бўлмасин. Ана шундай ишлардан бири намозхоннинг олдидан кесиби ўтиш масаласидир. Намозхоннинг олдидан кесиби ўтиш динимизда қаттиқ қораланган.



Абу Жухайм ибн Ҳорис розияллоху анхундан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: **“Агар намозхоннинг олдидан кесиби ўтувчи киши ўзига нима (гуноҳ) бўлишини билганида, унинг олдидан ўтишдан кўра қирқ кутиб туриши ўзи учун яхшироқ бўлар эди”**, дедилар. Ҳадис ровийларидан бири Абу Назр айтади: **“Қирқ кун дедими, ойми, йилми, билмайман”** (Муттафақун алайҳ).

Имом Баззорнинг ривоятида: **“Қирқ куз (фасл)”**, деган лафз билан келган.

**“Қирқ куз”**дан қирқ йил ирода қилинган. Бундан намозхоннинг олдидан кесиби ўтиш ўта оғир гуноҳ экани маълум бўлади. Чунки кесиби ўтувчи киши намозхоннинг Раббиси билан қилаётган мулоқотига халал беради. Одамлар наздида суҳбатлашиб турган икки кишининг ўртасини кесиби ўтиш қанчалик ёмон иш ҳисобланади! Энди оламлар Раббиси билан бўладиган мулоқотга халал беришнинг қанчалик ёмонлигини ўзингиз тасаввур қилиб олаверинг.

Бу борада истисно икки ўринда бўлиши мумкин: Масжидул Ҳаромда ва жамоат намозиди. Масжидул Ҳаромда намозхоннинг олдидан кесиби ўтиш жоиз. Чунки у

ерда тумонат одам тавоф қилади. Агар намозхон олдидан ўтувчини ман қиладиган бўлса, одамларга машаққат туғилади. Шунинг учун Масжидул Ҳаромда намоз ўқиб турган одамнинг олдидан кесиби ўтган киши гуноҳкор бўлмайди. Шунга қарамай, мўмин киши имкон қадар намозхоннинг олдидан кесиби ўтмасликка ҳаракат қилгани яхши.

Жамоат намозиди муқтадийнинг олдидан кесиби ўтиш жоиз. Бу намозхоннинг олдидан кесиби ўтиш ҳисобланмайди. Чунки имомнинг сутраси – жамоатнинг сутраси деб эътибор қилинади. Киши модомики, имом билан сутрасининг олдидан кесиби ўтмас экан, кесиби ўтувчи бўлмайди. Гоҳида сафда турган намозхоннинг таҳорати бузилиши ё таҳорати йўқлиги эсига тушиши ёки

бошқа шунга ўхшаш узрлар билан ташқарига чиқишига тўғри келади. Бундай пайтда у ё ўнг ё чап – ўзига қулай бўлган томондан чиқиб кетиши мумкин. Албатта, бунда муқтадийларнинг олдидан кесиби ўтмасликнинг иложи йўқ. Шунинг учун у бу ҳолатда узрли ҳисобланади.

Шунингдек, жамоат намозиди имом салом бергач, намознинг охири ракатларига келиб қўшилган масбуқ (аввалги бир ёки ундан ортиқ ракатларни ўтказиб юборган киши)лар туриб, қолган ракатларни ўзлари ўқишади. Шу пайтда аввалги сафдаги кишилар уларнинг олдидан кесиби ўтишса, зарари йўқ. Чунки бу ўринда ҳам **“Имомнинг сутраси – муқтадийнинг сутраси”** деган қоида ўз кучида қолади ва муқтадийнинг олдидан кесиби ўтган киши гуноҳкор бўлмайди.

Юқорида зикр этилган икки ўринда намозхоннинг олдидан кесиби ўтишга рухсат берилган экан, ўз навбатида, намозхон ҳам олдидан ўтмоқчи бўлган кишини қайтармайди.

Булар намозхоннинг олдидан ўтувчига, яъни намоздан ташқаридаги одамга тегишли ҳукмлар. Энди намозхонга тегишли ҳукмларга тўхталамиз.

Саброта ибн Маъбад розияллоху анху айтади: **«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: “Сизлардан бирингиз ўзининг намозиди камон ўқини бўлса ҳам, сутра қилиб олсин”, дедилар»** (Имом Ҳоким ривояти).

Ҳадисдаги тавсия одамларнинг ўтиш эҳтимоли бор, намоз учун хосланмаган жойда намоз ўқимоқчи бўлган кишига тегишли. Шунингдек, масжидларда жамоатга етишолмай, ёлғиз намоз ўқиётган кишилар ҳам рўпараларига сутра қўйиб олишлари керак. Акс ҳолда, бошқалар билмай унинг олдидан кесиби ўтишлари мумкин. Агар шу ҳолатда ҳам ўтмоқчи бўлса-чи?

Абу Саид Худрий розияллоху анхундан ривоят қилинади: **«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламнинг: “Бирортангиз ўзини одамлардан тўсадиган нарсага қараб намоз ўқиганида, олдидан бир киши ўтмоқчи бўлса, уни қайтарсин. Агар унамаса, у билан уришсин, чунки у шайтондир”**, деганларини эшитганман» (Муттафақун алайҳ).

Демак, намозхон олдидан ўтмоқчи бўлган кишини қайтарди. Агар қайтмаса, яна тўхтатишга уринади. Ҳадисдаги **“у билан уришсин”** иборасини зинҳор ёқлашиб жанжаллашиш деб тушунмаслик керак. Чунки шундай қилса, намози бузилади. Балки аввалгидан кўра қатъийроқ тўхтатишга уриниб кўради. Одатда намозхоннинг олдидан кесиби ўтишлар кишининг намоз ўқиётганини билмай қолиш сабабли бўлади. Шунинг учун уларга тўхташ ишораси қилинганидаёқ ўзларини тутиб оладилар. Ўтаман деб қайсарлик қиладиган ҳолатлар камдан-кам учрайди. Мабодо шундай ҳолат бўлиб қолган тақдирда ҳам намозхон ўтувчини маъзур тутсин. Кимнингдир ўтиши билан унинг намози бузилмайди, балки ўтувчининг ўзи гуноҳкор бўлади, холос.

Китоб шаҳридаги “Ҳожа Бухорий” ўрта махсус ислом билим юрти мударриси **Мақсуд МАХСУМОВ** тайёрлади.



Мақсуд Махсумов 1994 йил Саросиё туманида туғилган. 2015 йил “Ҳожа Бухорий” ўрта махсус ислом билим юрти, 2019 йили Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институтини битирган. 2023 йил Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат Ўзбек тили ва адабиёти университетини Матншунослик ва адабий манбашунослик йўналиши бўйича магистрлик даражасини қўлга киритган. 2019 йилдан буён “Ҳожа Бухорий” ўрта махсус ислом билим юрти мударриси.

## Масала

3-бетда

**САВОЛ:** Жунуб киши ғусл қилиш учун тайёрланган челақдаги сувнинг ҳароратини билиш учун пок қўлининг қанча қисмини сувга ботирса, сув “оби мустаъмал”га айланади?

**ЖАВОБ:** Зарурат учун таҳорати йўқ, жунуб ва ҳайздан пок киши сув олиш учун қўлини (бармоғини) идишдаги сувга тикса, у “оби мустаъмал”га айланмайди (**“Фатавои ҳиндия”**).

Битта ёки иккита бармоқни сувга тикиш билан сув “оби мустаъмал”га айланмайди, балки сувга кафтни тикиш билан у “оби мустаъмал”га айланади (**“Зоҳирийя”** ва **“Фатавои ҳиндия”**).

Юқоридаги масалалар қўлда нажосат бўлмаган ҳолатга тегишлидир. Агар қўлда нажосат бўлса, албатта, сув нажосатга айланади.

**САВОЛ:** Қазо намозларни ўқиш тартибини тушунтириб берсангиз.

**ЖАВОБ:** Киши ухлаб қолиб ёки унутиб бирор намозни қазо қилса, уйқудан уйғониши ёки эсига тушиши билан, кечиктирмай қазо бўлган намозини ўқиб олиши лозим.

Қазо намозга ҳам азон ва иқомат айтилади. Бир нечта қазо намозларни ўқимоқчи бўлган киши битта азон айтса, кифоя қилади. Фақат фарз ва витр намозларнинг қазоси ўқилади, суннатларники эмас.

Бомдод намози қазо бўлса ва шу куни қазоси завол (тахминан соат 11:00) гача ўқилса, суннати ҳам ўқилади, заволдан кейин фақат фарзнинг ўзи ўқилади.

Қазо намозининг нияти бундай: **“Юзимни қиблага қаратиб, (шу бугунги) қазо бўлган бомдод намозининг фарзини холис Аллоҳ таоло учун ўқишни ният қилдим, Аллоҳу акбар”**.

Мусофирликда қазо бўлган намознинг қазоси муқимликда ўқилса, қаср қилинади. Муқимликда қазо бўлган намознинг қазоси мусофирликда ўқилса, тўлиқ ўқилади.

Қазо намозларини уч вақтдан – куёш чиқаётган, қиёмга келган ва ботаётган пайтдан бошқа вақтларда ўқиш мумкин.

7-бетда

# Ибодатда руҳнинг етишмаслиги

Ибодатда руҳий лаззат (хушу-хузу) дан баҳраманд бўлмаган ва унга интилмаган одам нафс касаллигига учраган бўлади. Бу касаллик ибодатнинг фақат кўз-кўз ёки одамларнинг мақтови учун қилинишидан келиб чиқади. Шунингдек, бунга амалларда ихлоснинг етишмаслиги ва Расулulloх соллаллоху алайҳи ва салламнинг суннатларини тарк этиш ҳам сабаб бўлади.

## Муолажа услуби

Ушбу касалликнинг давоси – амалларни ихлос билан бажариш ва барча ҳаракатларида Расулulloх соллаллоху алайҳи ва салламнинг суннатларига қатъий амал қилиш. Инсон бу касалликдан қутулиши учун сабр ва бардошли бўлиши, саъй-ҳаракатлари бефойда кетмаслиги учун доимо ҳаракат қилиши керак.

Бу ҳақда Мавлоно Жалолiddин Румий раҳимахуллох айтади: “Инсоннинг асосий таоми

Аллох таолонинг нуридир. Банда ўзи учун зарур бўлган овқатни истеъмол қилиши лозим, керагидан ортиғи зарардир. Агар инсон маънавий озикани унутса, ўзининг хотиржамлигини йўқотади. Бундай одам (тана озик-овқатидан) қониқмайди, унинг очкўзлиги чегара билмайди, эҳтирослар уни бутунлай эгаллаб олади, оёқлари қалтиради, юраги саросимага тушиб, хавотирда уради. Шунинг учун танадан фойдаланишда озик-овқат ва маънавий озикани уйғунликда олиб бориш керак”.

# Ўзининг солиҳлигига бино қўйиш

Банда қилаётган солиҳ амаллари билан мағрурланиши ҳам нафснинг оғир касалликларидан саналади. Бу иллатга чалинган инсон қилган яхшиликларига суянади, уларни адо этгани учун тамагирлик қилишга ўтади, ўзини мукофотга лойиқдек тутаяди. Натижада нафсининг ҳийласига алданади.

Донишмандлардан бирига: “Арафотда қандай одамлар билан учрашдингиз?” деб сўраганида у: “Шундай одамларни кўрдимки, балки улар орасида бўлмаганимда Аллох уларнинг барчасини кечирарди”, деб жавоб берди.

\* Давоми, бошланиши ўтган сонларда.

Қалби пок одам ўзини гуноҳкор деб билади, ўз нафсини асло яхши деб санамайди. Балки ҳамиша тоат ва амалларининг озлиги ва нуқсонли эканидан хижолатда бўлади.

## Муолажа услуби

Инсон ҳеч қачон гуноҳларининг тўлиқ кечирилишига ишонмаслиги лозим. Чунки Аллох таоло унинг қилган ҳар бир гуноҳини кўриб турувчидир, ҳатто хаёлидан ўтган барча фикрларини ҳам билади. Шунинг учун банда ҳар бир гуноҳидан надомат қилиши, пушаймон бўлиши, ўз нафсини ортиқча баҳоламаслиги керак.

Фузайл ибн Иёз раҳимахуллох ўз нафсига бундай хитоб қиларди: “Эй нафсим, сен сабабли ҳолимга вой! Ҳатто барча гуноҳларим мағфират қилинган бўлса ҳам, ҳолимга вой бўлсин!”

Абу Бакр Дуккий айтади: “Ким Аллохни билса, Ундан умидини узмайди. Ким нафсини билса, амалларидан рози бўлмайди. Ким Раббини билса, Унинг паноҳига қочади. Ким Парвардигорини унутса, бандаларига яқинлашади”.

Абу Абдурахмон Суламийнинг “Нафс иллатлари ва уларнинг муолажаси” китобидан Даврон НУРМУҲАММАД таржимаси

## Руҳий тарбия

Тасаввуф инсонни маънан ўсиб, покланишига ва руҳан тараққий этишига хизмат қилувчи йўлдир. Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи ва саллам: “**Албатта, Аллох таоло сизларнинг суратларингиз ва молларингизга қарамайди, балки қалбларингиз ва амалларингизга қарайди**”, деганлар (Имом Муслим ривояти).

Саҳобалар бу илмларни Расулulloх алайҳиссаломдан тўлиқ ўзлаштириб, ҳаётларига гўзал тарзда татбиқ этишди ва умматнинг энг афзали бўлишди.

Уламолар томонидан илм умумий маънода икки қисмга бўлинган: илми қол ва илми ҳол. Қол илми зоҳирий амалларга алоқадор бўлиб, намоз ва рўза кабиларнинг тўғри бажарилишини тартибга солиди. Ҳол илми эса ана шу амалларни ихлос билан бажариш, ниятни тўғрилаш, Аллохдан кўрқиш, умидворлик, таваккул каби қалбга тегишли ҳолатларни ўргатади. Бу икки илм хоҳ зоҳирий, хоҳ ботиний бўлсин, ҳар бир амалнинг Яратганга мақбул бўлиши учун зарурдир. Ҳам зоҳирий, ҳам ботиний жиҳатдан тўғри адо этилган амал Аллох таолонинг ҳузурда мақбул бўлади. Уламолар қол илмини “фиқҳ”, ҳол илмини эса “тасаввуф” деб таърифлашган.

Тасаввуф илми одатда дунё муҳаббати ва лаззатларидан воз

кечишга, шунингдек, Аллох таолога боғланишга ва охират ишлари билан кўпроқ машғул бўлишга ундайди. Шунинг учун ҳам уламолар бу илмни ўткинчи дунё лаззатларини тарк этиш ила ҳосил бўлади, дейдилар.

Ҳасан Басрий раҳматуллоҳи алайҳ: “Биз тасаввуф илмига баъзи гап-сўзлар билан эмас, балки дунё ва унинг лаззатларини тарк этиш билан эришдик”, деган.

Имом Молик раҳматуллоҳи алайҳ айтади: “Ким фикҳни ўрганса-ю, аммо тасаввуфни билмаса, амалларида хато ва нуқсонга йўл қўяди. Ким тасаввуфни билса-ю, фикҳни ўрганмаса, йўлдан чиқиб кетади. Иккисини жамлаган ҳақиқатга эришади ва амаллари қабул бўлади”.

Шайх Абу Толиб Маккий айтади: “Ислом ва иймон бир-бирига боғлиқ бўлганидек, бу икки илм ҳам бир-бирига боғлиқ. Худди жисм ва қалб бир-биридан ажралмаганидек, буларни ҳам ажратиш бўлмайди. Агар ажралса, ўз аҳамиятини йўқотади”.

Баъзи инсонларнинг тасаввуфни инкор қилишлари ўта жоҳилликдир. Тасаввуфни даъво қилаётган айрим кимсаларнинг сўфиёна ҳаёт кечирishi, илмсизлик

оқибатида баъзи масалаларда хато сўзлаши ёки шариатга хилоф амаллари тасаввуф ёки сўфиларнинг барчасини инкор қилиш лозим дегани эмас.

Сўнги пайтларда ижтимоий тармоқлар орқали тасаввуфни ёмонотлиқ қилишга, сўфиларни мушрикка, тасаввуфни эса ширкка тенглаштираётганлар кўпайиб қолди. Бу қараш бир мусулмоннинг гуноҳи ёки хатоси сабабли Исломни инкор қилишга ўхшайди. Ахир Ислом энг тўғри дин эмасми?! Албатта, шундай! Хато Исломда эмас, балки уни лозим бўлган даражада адо этолмаётган биз мусулмонлардадир.

Ҳазрат Али розияллоху анхунинг набиралари Али Зайнулобидин ибн Ҳусайн розияллоху анхумо бундай деган: “Тасаввуф энг гўзал ахлоқнинг номланишидир. Ким сендан ахлоқан яхшироқ бўлса, тасаввуфи ҳам гўзалдир”.

Шайх Жунайд Бағдодий айтади: “Тасаввуф халойиқдан узилиб, Аллохга боғланишидир”.

Абу Муҳаммад Жаририй айтади: “Тасаввуф Набий соллаллоху алайҳи ва салламнинг хулқлари ила яшаб, ёмон хулқларни тарк қилмоғингдир”.

Шайх Абу Али Қазвиний айтади: “Аллох субҳанаху ва таолони

рози қиладиган ахлоқ тасаввуф дейилади”.

Шайх Аҳмад Хазравий раҳматуллоҳи алайҳ: “Тасаввуф барча ботиний кир ва ифлосликлардан поклашдир”, деган.

Шайх Муртаъиш раҳматуллоҳи алайҳ бундай деган: “Тасаввуф гўзал хулқлар мажмуасидир”.

Машойихларнинг юқоридаги фикрларидан хулоса қиладиган бўлсак, тасаввуф кишининг нафақат ташқи кўринишини, балки ички дунёсини поклашга, зийнатлашга чақирадиган ҳамда соф инсоний фазилатлар билан тарбиялайдиган йўл эканини англаймиз.

Ўткир ҲАКИМОВ,

Тошкент шаҳри “Усмон ибн Маъзун” жоме масжиди имом-хатиби





## Сўнгги учрашув

Уйга келсам, отам Йўлдошали ака билан гурунглашиб ўтирибди. Учоқда шўрва билқиллаб қайнаб турибди. Мени кўргач, иккиси ҳам ёнига имлади. Бордим, дастурхон бошига чўқдим. Отамнинг имоси билан овқат сузгани турдим. Шўрвамисан шўрва бўлибди, ўзиям. Улар узоқ вақт гаплашиб ўтиришди.

Бир пайт Йўлдошали ака: “Устоз, энди менга рухсат беринг, борай. Агар кўришмасак, рози бўласиз. Менга косиблик билан бирга ҳаётда қандай яшаш сирларини ҳам ўргатдингиз. Ўғитларингизга амал қилиб, мана, кам бўлмадик. Ҳаммаси учун раҳмат!” деб дуога қўл очди. Сўнг иккимиз билан қучоқлашиб хайрлашди.

Йўл-йўлакай отам: “Йўлдошалижон, ундай деманг, ахир сиз

Аллоҳнинг уйини зиёрат қилгани кетяпсиз. Худо хоҳласа, албатта, кўришамиз”, деди овози титраб.

Меҳмон бу кунларни кўп йиллардан буён Аллоҳдан сўраганини хушмуомалалик билан таъкидлади. Агар шу муқаддас жойларда омонатимни топширсам қандай яхши, деб ишонч ва умид билан сўзлади.

Унинг гаплари кўнглимизни алланечук хира қилди. Буни сезган уста: “Кўпам қайғурманг, устоз, насиб бўлса, учрашамиз, қайтаман”, деди. Сўнг у жиддий қиёфада отамни бағрига босиб, елкасига қоқиб, бир сўз демай, ўпкаси тўлиб аста юриб кетди.

Отам юришга бироз қийналади. Шунинг учун меҳмонни кўчага ўзим кузатиб чиқдим. У қайтаётиб, кўлини елкамга ташлади-да: “Отангизни эҳтиёт қилинг!

Дуосини олинг. Отангиздек ибодатли, ҳалол кишилар кам. Кампири ўтганига ҳам йигирма саккиз йил бўлибди. Раҳматли эрта ўтиб кетди... Устоз маҳаллада ёши улуғлардан. Умрлари узун бўлсин”, дея дуо қилди ва сокин қадам ташлаб уйига кетди.

Беш-ўн қадам ташлади-да ортига қайтиб, менга: “Яна такрор айтаман: отангизни эҳтиёт қилинг, у жуда яхши инсон, яхши косиб”.

Бу охирги видолашув экани ўша пайтда хаёлимга келмаган экан... Йўлдошали ака ўзиният қилганидек, улуғ сафардан қайтмади.

Фазлиддин АБДУНАЗАРОВ,  
Ўзбекистон журналистлари ижодий  
уюшмаси аъзоси

### Фарзандингизга ўқиб беринг

Кўп асрлар аввал Озар исми киши бут сотарди. Унинг уйи бутларга тўла, атрофдаги одамлар улардан харид қилиб, сиғинишарди. Озар ҳам бутга ибодат қиларди.

Бут сотувчининг кичкина, аммо ўта ақлли ўғли бор. Унинг исми – Иброҳим. У одамларнинг бутга ибодат қилаётганини кўриб, булар оддий тошдан-ку, деб фикр қиларди. Ва билар эдики, бутлар гапирмайди, эшитмайди, зарар ҳам, фойда ҳам бермайди, қолаверса, унга пашшалар кўнса, ҳатто уларни ҳайдай олмайди. “Шундай экан, одамлар нима учун бутларга сажда қиладилар, ундан ҳожатларини сўрайдилар?” деб ўйларди.

Бир куни Иброҳим отасига бундай деди: “Эй отажон! Нима учун бутга ибодат қиласиз, ундан ҳожат сўрайсиз? Ахир, бут гапирмаса, эшитмаса, унинг бировга зарари ҳам, фойдаси ҳам тегмаса, тағин унга таом кўясиз? Бундан маъни нима?”

Озар ўғлининг гапидан ғазабланди. Унинг харидорлари – бутларга сиғинувчи одамлар ҳам ғазаб қилишди. Улар барибир тушунишмасди. Бу ҳолдан сўнг Иброҳим ўзига-ўзи деди: “Одамлар кетишганидан кейин мен бутларни синдираман. Шундагина одамлар тушунадилар”.

Ҳайит куни одамлар хурсанд бўлиб, байрамга чиқишди. Озар ҳам чоғланаётиб, ўғлидан: “Биз билан чиқмайсанми?” деб сўради. Иброҳим: “Мен касалман”, деди. Одамлар кетдилар, Иброҳим эса

уйда қолди. У бутларнинг олдига келди ва деди: “Гапирмайсизларми? Эшитмайсизларми? Бу овқат ва ичимлик! Уни емайсизларми? Ичмайсизларми?”

Бутлар сукут сақларди. Чунки улар тошдан эди. Иброҳим: “Нима учун гапирмаяпсизлар?” деди. Бутлар ҳамон жим туришарди. Шунда у ғазаб қилиб, болтани олди-да, бутларни уриб синдириб чиқди. Биргина катта бутни синдирмади, бутунича қолдирди ва болтани унинг бўйнига илиб қўйди.

Одамлар қайтиб, бутхона томон юрдилар. Бугун ҳайит, бутларга сажда қилишни истадилар. Улар хонага кирган заҳоти даҳшатга тушиб, ғазаб отига минишди.

«Улар: “Бизнинг худоларимизга ким бундай қилди?! Албатта, у золимлардандир!” дедилар. Улар: “Уларни эслаб юрган бир йигитни эшитган эдик, уни Иброҳим, дейишарди”, дедилар. Улар: “Уни одамларнинг кўз олдига олиб келинглр. Токи гувоҳ бўлсинлар”, дедилар. Улар: “Худоларимизга буни сен қилдингми, эй Иброҳим?!” дедилар. У: “Йўқ, буни манави уларнинг каттаси қилди. Агар гапирадиган бўлсалар, улардан сўраб кўринглр”, деди» (Анбиё сураси, 59 – 63-оятлар).

Одамлар билар эдики, албатта, бутлар тошдан ясалган эди. Тош эса на эшитади ва на гапирди. Катта бут юришга ҳам, ҳаракатланишга ҳам қодир эмас. Демак,

## Бут сотувчи

бутларни синдиришга ҳам қодирмас. Иброҳимга: “Сен биласанки, бутлар гапирмайди”, дейишган эди, Иброҳим: “Қандай қилиб бутларга ибодат қиласизлар? У зарар ҳам, фойда ҳам бермаса, нимага унга ибодат қиляпсизлар? Қандай қилиб бутлардан сўраяпсизлар? Ахир улар гапирмайди, эшитмайди-ку! Бирор нарсани англамаяпсизларми? Ақл юритмайсизларми?” Ҳамма сукут қилиб, хижолат чекдилар.

Одамлар тўпланиб: “Нима қиламиз? Иброҳим бутларни синдириб, олиҳаларга хиёнат қилди”, дейишди. Баъзилар: “Иброҳимнинг жазоси нима?” деб сўрашди. Улар: “Уни куйдириглр! Агар (бир иш) қиладиган бўлсангиз, худоларингизга ёрдам беринг!” (Яъни олов ёқинглр ва унга Иброҳимни ташланглр) дейишди.

Шундай ҳам бўлди. Лекин Аллоҳ Иброҳим алайҳиссаломга ёрдам берди ва оловга: «Эй олов, Иброҳим учун салқин ва саломатлик бўл!» деди. Олов Иброҳим алайҳиссалом учун салқин ва саломатлик бўлди. Одамлар кўришдики, Иброҳим алайҳиссаломга олов зарар бермади, у зот хурсанд ва соғ-саломат эдилар. Одамлар бундан даҳшатга тушдилар ва ҳайрон бўлдилар.

(Давоми бор.)

Муҳаммад Саййид Тантовийнинг  
“Пайгамбарлар қиссаси” китобидан  
Анвар АХМАД таржимаси

### Масала

5-бетда

**САВОЛ:** Эрнинг хотини олдидаги вазифалари ҳақида маълумот берсангиз.

**ЖАВОБ:** Аллоҳ таоло эркак кишини ақлан ва жисмонан оилага раҳбар бўлишга лаёқатли қилиб яратган. Оилани муҳофаза қилиш ва унинг барча сарф-харажатлари эркак зиммасидадир. Аллоҳ таоло марҳамат қилади: «**Эркаклар хотинлар устидан** (оила бошлиғи сифатида доимий) **қоим турувчилардир. Сабаб – Аллоҳ уларнинг айримлари** (эркаклар) **ни айримлари** (аёллар)дан (баъзи хусусиятларда) **ортиқ қилгани ва** (эркаклар ўз оиласига) **ўз мол-мулкларидан сарф қилиб туришларидир**» (Нисо сураси, 34-оят).

Саҳобалар Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан: “Зиммамизда аёлларимизнинг қандай ҳақлари бор?” деб сўрашди. У зот: “**Еганингизда уни ҳам едирмоғингиз, кийганингизда кийдирмоғингиз, юзига урмаслик, қабих сўзлар билан ҳақорат қилмаслик, аразлашганда уйдан чиқмаган ҳолда фақат ўринни бошқа қилиб ётмоқлик**”, дедилар (Имом Абу Довуд ривояти).

Эркак кишининг энг катта вазифаси қарамоғидагиларнинг ўзгаларга қарам бўлиб қолишига йўл қўймаслигидир.

Ҳар бир эркакка аҳли аёлининг нафақаси фарздир. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “**Киши ўз қарамоғидагиларини нафақасиз ташлаб қўйиши унинг қаттиқ гуноҳкор бўлишига кифоя қилади**”, деганлар.

Аёлига яхши муносабатда бўлган эркак динимизда мақталади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “**Сизларнинг яхшиларингиз ўз аҳлига яхши муомала қилганингиздир. Мен ўз аҳлига яхши муомала қилувчи роғинизман**”, деб марҳамат қилганлар (Имом Термизий ривояти).

**САВОЛ:** “Барзах” ҳаёти нима? Шу ҳақда маълумот берсангиз.

**ЖАВОБ:** Луғатда икки нарсанинг ораси “барзах” дейилади. Шариат истилоҳида эса инсон вафотидан кейинги қиёматга қадар қабрда бўладиган вақти “барзах” ҳаёти дейилади.

Инсон қабрга қўйилиб, уни дафн этганлардан охирги одам қабрдан етти қадам узоқлашгач, икки фаришта – Мункар ва Накир Аллоҳ ва Унинг Расули ва дини ҳақида сўраши, ундан кейин қабрда роҳат ёки азобнинг бўлиши ҳақдир (“**Фиқхул акбар**”).

Ўзбекистон муслмонлари идораси  
Фатво маркази. Тел. 78-150-33-44

Ҳорис ибн Муслим Тамимий розияллоху анҳудан ривоят қилинади: «Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам менга шундай дедилар: **“Бомдод намозини ўқиб бўлганингдан кейин ҳеч нарса гапирмай туриб етти марта “Аллоҳумма, ажирний минан наар” (Аллоҳим, мени дўзахдан сақлагин), дегин. Агар ўша куни вафот этсанг, Аллоҳ сенга дўзахдан паноҳ топишни битиб қўяди. Шомни ўқиб бўлганингдан кейин ҳам ҳеч нарса гапирмай туриб етти марта “Аллоҳумма, ажирний минан наар”, дегин. Агар ўша кеча вафот этсанг, Аллоҳ сенга дўзахдан паноҳ топишни битиб қўяди”**, дедилар» (Имом Аҳмад ривояти).

Спорт машғулоти мақсадида юришда (жисмда йиғилган ортиқча) ёғлар эрийди. (Масжид томон)

# Зоҳири алдаб қўймасин

намозга юришда эса (қалбда йиғилиб қолган) гуноҳлар эрийди.

Изоҳ: Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам: **“Ким уйида покланиб, сўнгра Аллоҳнинг фарзларидан бир фарзни адо этиши учун юриб борса, босган қадамнинг бири хатоларини ўчиради, иккинчиси даражани кўтаради”**, дедилар.

Узунроқ қалам бошқаларидан кўра чиройлироқ, виқорлироқ ва бежирим бўлиб кўринади... Ҳақиқатда эса, у бирон иш қилмаган, бирон сўз айтмаган ва бирон ҳарф ёзмаганидан шундай.

Баъзи инсонлар ҳам худди шунга ўхшайдилар. Шундай экан, ташқи кўринишлар, зоҳирлар сени алдаб қўймасин...

Ҳаётда нима иш қилсанг ҳам танқид қилаверадиғанлар топилади. Сенинг тўғри ёки нотўғри эканинг уларга қизиқмас, уларга танқид қизиқ.

Шундай экан ҳаётингни кимларнингдир гап-сўзларига қараб белгилама!

Ишонавер – ўша танқидчилар сендан маъсумроқ эмас!

Баъзисининг юрагида ифво урчиган бўлса, бошқасининг жигарида ҳасад ўрнашган.

Ифвогарни ҳақда собит бўлиш билан жазола!

Ҳасадгўйни эса ҳақ йўлдаги ғалабанг билан жигарини эз!

– Китоб ўқишга вақтинг етмаяптими?

– Телефон кўришни бас қил.

– Ишларинг чалкашиб кетаяптими?

– Уларни тартиб билан бажар!

– Билиминг етарли эмасми?

– Кўпроқ китоб ўқи!

## Табобат бурчаги

# Шотут сиркаси

Шотут сиркаси қонни суюлтиради, томирлардаги тиқилмаларни йўқ қилади, майда қон томирларни кенгайтириб, қон айланишини яхшилади, қондаги холестерин ва қанд миқдорини мўътадиллаштиради, овқат ҳазмини яхшилади. Шу боис қон босими баланд ва қандли диабет билан оғриган кишиларга шотут сиркаси тавсия этилади.



**Ичиш тартиби:** юрак қон-томир ва қандли диабет касалликларида биринчи 10 кунликда кечки овқатдан аввал бир ош қошиқ ичилади. Иккинчи ўн кунликда эса, кунора овқат билан бирга истеъмол қилинади.

## Оқибат

*Ким нафсини тийса гар, даврон суради,  
Ким нафсини тиймаса, вайрон бўлади.*

*Кимки мартабага осон эришса,  
Кетиши ҳам осон ҳаддидан ошса.*

*Кимки исроф қилса неъматни, нонни,  
Аллоҳ қаҳри ила жазолаз жонни.*

*Кимда совурилса ҳар лаҳза, ҳар он,  
Унинг уволига қолар танда жон.*

*Ким завқу шавқ ила киришар ишга,  
Оқибат, чора бор ҳар бир юмушга.*

## Газетхон илҳами

*Ваъдага вафо қилган,  
Аллоҳнинг қадридадир.  
Юзларидан нур ёғиб,  
Жаннатнинг ёнидадир.*

*Ваъдасин бузувчилар,  
Шайтоннинг қўлидадир.  
Ўзигаю ўзгага,  
Хиёнат йўлидадир.*

*Дўстингга берсанг ваъда,  
Жонинг унга фидодир.  
Гар у рақибинг бўлса,  
Билгин ваъда – ваъдадир.*

## Ваъдага вафо

*Ҳожи Рустам ваъдани  
Олий ҳиммат биладир.  
Эй Аллоҳнинг бандаси,  
Ваъда аҳди сендадир.*

*Бевафо бўлма, эй дўст!  
Ҳақнинг қаҳри келади.  
Унинг қаҳри келса гар,  
“Ташти” ёмон бўлади.*

📖 **Рустам ХЎЖАҚУЛОВ,**  
Нуробод тумани


Кейинги ўн кунликда 2 кунда 1 ош қошиқ ичилади. Бу тартибга амал қилинса, қон босими ошиб-тушмайди, қон таркиби тозаланади.

Шотут сиркасини оч қоринга ичиш ёки ичганидан кейин оч ҳолда юриш зарарлидир. Фақат совуқ ҳолда ичиш тавсия этилади. Шотут сиркасини ҳаддан ташқари кўп ичиш қоннинг ортиқча суюлиб кетишига олиб келиши мумкин. 1 қошиқдан ортиқчаси ошқозон ширасининг кўпайиб кетишига сабаб бўлади.

Шу боис шотут сиркасини ичиш тартибига қатъий амал қилиш керак. Қандли диабетга чалинганлар эса, юқоридаги тартибда ичгач, кейин яна ҳафтада икки марта ичиб юрса, яхши бўлади.

📄 **Собиржон ХАЛИЛОВ,**  
Риштон тумани

# Бармоқларни уқалашнинг фойдалари



**Бош бармоқни уқалаш** – қорин бўшлиғидаги оғриқ ва овқат ҳазм қилишдаги қийинчиликни осон енгишда ёрдам беради.

**Кўрсаткич бармоқни уқалаш** – юрак-қон томир фаолиятини яхшилади, юрак санчиғи оғриқларини камайтиради.

**Ўртанча бармоқни уқалаш** – қон айланишини яхшилаб, кўнгил айниши ва бош айланишини бартараф этишда ёрдам беради.

**Номсиз бармоқни уқалаш** – тушкунлик ва сиқилишни енгишга ёрдам беради.

**Жимжилоқни уқалаш** – уйқуни яхшилади, юрак уришини мўътадиллаштиради, кайфиятни кўтариб, тушкунликдан халос бўлишга ёрдам беради.



**Muassis:**  
O'zbekiston musulmonlari idorasi "Shamsuddinxon Boboxonov" NMIU

Bosh direktor: **Sultonbek IMOMNAZAROV**  
**Шароҳи Нури**  
Bosh muharrir: **Abdul Jalil XO'JAM**

Tahrir hay'ati:

Shayx Nuriddin XOLIQNAZAR	Tolibjon NIZOMOV
Sodiq TOSHBOYEV	Hikmatulloh TOSHEMIROV
Homidjon ISHMATBEKOV	Muzaffar KAMOLOV
Shayx Abdulaziz MANSUR	Azizbek XOLNAZAROV
Jaloliddin HAMROQULOV	Jamoatchilik kengashi
Obidjon QODIROV	Alisher ESHIMOV
Uyg'un G'OFUROV	Islomiddin ZUHRIDDINOV
Muhammadsharif JUMAN	Rustam JAMILOV
Xolmat ATABAYEV	
Komiljon BURXONOV	

Toshkent–100069, Zargaynar 18-berkko'cha, 47-a uy.  
(71) 227-34-30 (71) 240-05-19.  
m-nashr@mail.ru  
www.hidayatuz

Nashr ko'rsatkichi: 195  
ISSN 2091-5225  
2020-yil 3-sentabrda 0017-raqam bilan ro'yxatga olingan.  
Gazeta oyda ikki marta chop etiladi. Bahosi kelishilgan narxda.

Navbatchi muharrir: **Akmalxon AHMEDOV**  
Musahhiha: **Nilufar ABLAYEVA**  
Sahifalovchi: **Komiljon MAHMUDOV**  
Ekspertizaga berildi: 01.11.2023  
Xulosa (№03-07/8235) olindi: 08.11.2023  
"SHAMSUDDINXON BOBOXONOV" NMIU bosmaxonasida chop etildi.

Adadi: 13.650  
227/20-buyurtma.  
Bosmaxona manzili: Toshkent shahri, Zargaynar 18-berkko'cha, 47-a uy.



**Газетада оятлар, ҳадислар бор. Ножоиз жойларга қўйманг!**

**The newspaper contains ayahs and hadiths. Please, do not put it in inappropriate places!**

في الجريدة آيات وأحاديث. لا تضعوها في مكان غير مناسب!

**Газета содержит аяты и хадисы. Не оставляйте в неподходящих местах!**